

БАЪЗИ ИНГЛИЗ ТИЛИ ТОПОНИМЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ВА СИНТАКТИК ЖИҲАТДАН ЯСАЛИШИ

Ганиева Гулноза Захировна

ЖДПИ докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада инглиз тилидаги баъзи топонимларнинг морфологик ва синтактик жиҳатдан ясалиши усуллари берилган. Ҳар бир усуллар мисоллар билан изоҳланган.

Калим сўзлар: топоним, морфологик усул, синтактик усул, ўзак, лексема.

Топонимлар, яъни жой номлари ҳар бир миллатга хос бўлган маданий бойлик обьектларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам улар бошқа тил бирликларидан тубдан фарқ қиласди. Демак, бундан кўриниб турибдик, топонимлар нафақат география, балки тилшунослик фани билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Улар тил бирлиги сифатида бошқа ҳамма лексемалар қатори тил қонуниятларига бўйсунади [4,199]. Бироқ айнан ўзининг келиб чиқиши, баъзи ички хусусиятлари жиҳатидан жамиятнинг кундалик моддий ва маънавий ҳолати, иқтисодий турмуш тарзи ва орзу-интилишларига алоқадор бўлганлиги учун ҳам улар алоҳида аҳамиятга эгадир.

Топонимларда ҳар бир тилнинг ўзига хос бўлган қадимий фонетик, лексик ва морфологик элементлар кўпроқ бўлади. Жойнинг табиий-географик шароити, аҳолининг этник тартиби, кишиларнинг касби ва машғулоти, қазилма бойликлар, шу ерга асос солган киши номлари, тарихий шахслар ва воқеалар топонимлар вужудга келишининг асосий омили ҳисобланади. Буни биз инглиз тили топонимлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин [1]. Масалан, *Aberaeron*-‘Mouth of the River Aeron’, *Aberavon* -‘Mouth of the River Afan’, *Barrow* -‘(place at) the wood or grove, *Docking*- ‘Place where docks or water-lilies grow’ (табиий-географик шароит), *Abinger*-‘Enclosure of the family or followers of a man called Abba’, *Ballydonohoe* -‘Ó Donnchadha’s townland’(киши номи), *Abington*-‘estate associated with a man called Abba’,

Balintore-‘Village where bleaching is done’, *Ballyknockan*- ‘Milking place of the hillock’ (кишиларнинг касби ва машғулоти).

Баъзи топонимлар таркиби ўзак ва сўз ясовчи қўшимчалардан ҳосил бўлган бўлиши мумкин, баъзилари эса факат ўзакдан ташкил топиши мумкин, яна бошқалари эса бир ёки бир нечта сўзлардан ташкил топган бўлиши мумкин. Қуидада баъзи инглиз топонимларининг морфологик ва синтактик жиҳатдан ясалиш усуулларини кўриб чиқамиз[1].

1. Морфологик (аффиксация) усулда ясалган топонимлар:

-ing- + tūn.

Dorrington - ‘Estate associated with a man called Dēor(a)’;

Dormington - ‘Estate associated with a man called;

Donington, Donnington- ‘Estate associated with a man called Dun(n) or Dun(n)a’;

Dorsington -(‘Estate associated with a man called Dēorsige’);

Eardington - ‘Estate associated with a man called *Earda’.

-tūn.

Duncton - ‘Farmstead of a man called *Dunneca’;

Dunston- ‘farmstead of a man called Dun(n)’;

Durston - ‘Farmstead of a man called Dēor’.

-ford.

Durnford, Great -‘Hidden ford’;

Wansford - ‘Ford by a spring or whirlpool’;

Wangford - Possibly ‘ford by the open ground’;

Yoxford - ‘Ford wide enough for a yoke of oxen’.

-hām.

Earlham - Possibly ‘homestead of a nobleman’;

Earsham - Possibly ‘homestead or village of a man called Ēanhære’;

Eastham - ‘East homestead or enclosure;

Edmondsham ‘Homestead or enclosure of a man called *Ēadmōd or Ēadmund;

Walsingham, Great & Walsingham, Little - ‘Homestead of the family or followers of a man called Wæls’;

Walsham- ‘homestead or village of a man called Walh’;

Waltham- found in various counties, ‘homestead or village in a forest’.

-burh.

Norbury - ‘northern stronghold or manor-house’;

Newbury - ‘New market town or borough’;

Naseby - ‘Stronghold of a man called Hnæf’;

Owslebury - ‘Stronghold of a man called *Ōsla’, or ‘stronghold frequented by blackbirds’.

-by. *Usselby* - ‘Farmstead or village of a man called Ōswulf

Utterby - Probably ‘farmstead or village of a man called Īhtrēdor Īhthere’;

Enderby - ‘Farmstead of a man called Eindrithi

Walesby - ‘farmstead or village of a man called Valr’.

2. Синтактик усул, яъни бирдан ортиқ ўзакдан ҳосил бўлган топонимлар:

Om+om - *Edvin Loach, Egg Buckland, Eilean Donnan, Eilean Siar, Ellerdine Heath, Kyre Magna, Lach Dennis, Ladybank, Lammermuir Hills, Lossiemouth, Loughros Point, Michaelchurch, Micheldever, Milford Haven*

Om+ сифат - *Egerton Green, Elmstone Hardwicke, Littlewick Green, Llantwit Major, Loughduff, Meall Dearg, Meall Dubh, Meall Garbh, Meall Meadhonach*

Om+предлог+om - *Knockmealdown Mountains, Kyle Of Lochalsh, Longville in the Dale, Michaelchurch-on-Arrow, Middleton on the Hill, Monnington on Wye, Muir of Ord*

Сифат + om - *Knotty Ash, Littlehampton, Longdon, Middlesbrough, Monadhliath Mountains, New Birmingham, New Forest, New Invention, Old Radnor.*

Юқоридаги мисоллардан қўриниб турибдики, инглиз тили топонимлари ҳам бошқа тил лексемалари сингари серқирра ва турли-туман ясалиш усулларига эга. Биз бу ерда маълум бир топонимларгагина тўхталдик. Барча инглиз топонимларини бирма-бир бериб чиқиш учун эса албатта узок вақт ва шу билан бирга қаттиқ меҳнат талаб қилинади.

Ҳар бир топоним ўз маъноси ва мазмунига эга. Уларнинг ҳар бири алоҳида тарих, ўзгача маданият, ўша жойда истиқомат қилувчи аҳолининг турмуш тарзини ўзида акс этган, шунингдек, келиб чиқиши неча минг асрларга бориб тақаладиган буюк ўтмишга эга, десак муболаға бўлмайди. Зеро, қайси тил, файси миллат бўлишидан қатъий назар, ўша миллатга хос бўлган ҳар бир жой номи, яъни топонимлар асли биргина атоқли отдек кўринса-да, ўша миллатнинг, ўша халқнинг орзу-умидлари, ўтмиши ва бугуни, миллий маданияти ва тарихини ўз замирига яширган бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, топонимлар бир неча йиллар давомида шаклланади, сайқалланади ва улар келажак авлодларга мерос бўлиб қолади. Ана шу меросни асраш, уларнинг туб моҳиятини англаб етиш, эскириб кетаётганларини сақлаб қолиш, янгиларини шакллантириш – буларнинг барчаси шу жойда яшовчи халқ билан чамбарчас боғлиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Mills. A.D. Dictionary of British Place – Names, Oxford. 1991 (revised reprint 2011);
2. Room. A Concise Dictionary of Modern Place Names in Great Britain (1983).
3. Ганиева Г. Топонимлар ва уларнинг морфологик-синтактик усулларда ясалиши

Интернет сайтлари

1. www.scopus.com
2. <http://research-repository.st-andrews.ac.uk/>
3. www.twirpx.ru